

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҲМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган

№ 36 (65863)  
1995 йил, 26 сентябрь, сешанба

Сотувда  
эркин нархда

## Ватан исра Ватан

Ватан — ҳар бир инсон учун муқаддас даргоҳ. Бу сўз тилга олинганда кўз олдимизга дастлаб дилга яқин жойлар — уйимиз остонаси, сал наридаги ариқдан оқиб ўтувчи сув, қишда синфдошлар билан дарсдан қочиб сирпанчиқ учган тепалик, ёзда эса шовқин солиб чумилиб юрган сой, уришиб-талашиб усган узингиз тенги шух болалар, бир сўз билан айтганда — маҳалла келади.

Таниқли ёзувчи Уткир Ҳошимовнинг «Маҳалланинг онаси» деган ҳикояси бор. Унда бир йигит ўқиш, хотини истаганидек катта лавозимга эга бўлиш учун онасидан, маҳалласидан узоқлашади. Охир-оқибат онаси ва фот этганда кеч бўлса ҳам унинг қонига қайтади. Маҳалласига, туғрироғи, узлигига қайтади. Ҳақиқатан ҳам маҳалла биз учун ҳамма нарса. У ҳаётимизнинг бир қисми эмас, балки унинг узидир.

Сиз ҳам узингиз билмаган ҳолда маҳаллангиз учун нимадир қиласиз, маҳаллада

ота-онангизнинг юзини ерга қаратмаслик, келажакда бирор соҳани мукамал эгаллаб, узгаларга фойда келтириш учун яхши ўқишга интиласиз, кучангиз, маҳаллангиз кукаламзор бўлиши учун уйингиз ёнига гул эка-сиз, кучат утқазасиз. Бошқа маҳалла болалари билан футбол ёки хоккей уйнайдиган бўлсангиз биринчи навбатда узингиз учун эмас, балки маҳаллангиз номи учун курашасиз, дустингиз бошқа маҳалла боласи билан жанжаллашиб ёки тортишиб қолса, гарчи дустингиз ноҳақлигини билиб турсангиз ҳам, унинг ёнини оласиз, маҳалламиз иснодга қолмасин, дейсиз. Чунки маҳалла бизнинг бор-йўгимиз, «маҳалла — ота-онанг», «маҳаллам — ўз уйим», «маҳалла нима деркин?», «Унинг кимлигини маҳалладан суранг» деган жумлалар бежиз ўйлаб топилмаган.

Америка қитъаси қачон кашф этилгани кўпчиликка маълум. Рим, Истамбул, Самарқанд шаҳарларининг қачон қурилгани ҳам

аниқ, пойтахтимиз Тошкент ҳам бундан тахминан 2 минг йил муқаддам бунёд бўлган. Лекин маҳалла деган жой номи қачон пайдо бўлгани ҳеч кимга маълум эмас. У инсоннинг ўзи каби қадимий ва муқаддасдир. Зеро, биз билган буюк зотлар, улуг бобокалонларимиз Амир Темури, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Муқимий, Фурқат, Абдулла Қодирий, Гафур Гулом ва бошқалар ҳам сизникидан ҳеч бир фарқ қилмайдиган маҳаллаларда туғилишган, ўсишган, яшаган. Уларнинг бу даражада юксак инсон бўлиб танилишларида маҳалланинг оз бўлсада урни борлиги ажабланарли эмас.

Газетамизнинг ушбу сонини маҳалла болаларига бағишладик. Ҳолбуки, маҳалла ўз бағридаги болаларни асрлар оша келатган урф-одатлар, қадриятлар ёрдамида тарбиялайдиган онага ухшайди. «Она» тушунчасини эса «Ватан» тушунчасига тенглайдилар, «Она-Ватан» дейдилар. Маҳалла эса халқ таъбири билан айтганда, Ватан ичра Ватандир.



### БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазири Андрей Козиревни қабул қилди.

\*\*\*

Нукусда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида Орол денгизи ҳавзасидаги давлатларнинг барқарор ривожланиши масалаларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

\*\*\*

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Сирдарё ва Фарғона вилоятлари бўлимларининг хотин-қизлар билан ишлаш масалалари муҳокама этилди.

\*\*\*

Самарқанд Давлат меъморчилик-қурилиш институти қошида бизнес мактаби очилди.

\*\*\*

Хужайлида шиша заводи қуриб битказилиб, маҳсулот бера бошлади.

\*\*\*

Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги 14-болалар уйининг ҳар бир тарбияланувчисига 1000 сум қуйилган омонат дафтарчаларини топширди.

\*\*\*

Қорақалпоғистонда Уртин газ кони фойдаланишга топширилди.

\*\*\*

Самарқандда халқ таълими ходимларини рағбатлантирувчи Воҳид Абдуллаев номли мукофот таъсис этилди.

\*\*\*

Тошкентдаги «Динамо» теннис клубида Ўзбекистон ва Хитой спортчилари ўртасида теннис буйича Дэвис Кубоги мусобақалари ўтказилди.

## МАҲАЛЛАДА ТҲЙ БҲЛДИ

Маҳаллаларда азал-азалдан ёш авлодга катта аҳамият бериб келинган. Мустақиллигимиз туфайли бундай тадбирлар янада кенг тус олди. Шундай тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги Тўқимачи маҳалласида бўлиб ўтди. Бу ерда, маҳалла ҳудудида жойлашган «Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамиятининг ётоқхонасида истиқомат қилувчи оилаларнинг беш нафар фарзанди ҳамда маҳалланинг кам таъминланган оилаларидаги уч бола ҳатна қилиниб, уларнинг суннат тўйи бўлиб ўтди.

— Болалар — эртанги кунимиз эгаларидир, — дейди маҳалла оқсоқоли Туроб Шер-

таъминланган, ночор оилаларга бундай хайрли ишлар қилиш билан маҳаллаларда асрлар давомида шаклланган урф-одатларни сақлаб қолган бўламиз.



Тўй баҳона, болалар ўзаро дўстлашиб олишди. Масалан, Руслан Холов Фарруҳ Курбонов билан, Беҳзод ва Шерзод Тўраевлар Шамил Шарипов билан дўстлашибди. Темури Мусалиев, Рашид Ирисов, Равшан Ҳожимуродов ҳам ўзаро яқин бўлиб қолишди. Тўй жуда серфайз ўтди, дастурхон тўкин бўлди. Тўйболаларга Яккасарой тумани ҳокимлиги томонидан совға-саломлар улашилди. Унда халқ ҳофиси Орифҳожи Алимаҳсумов, Яккасарой тумани ҳокими Алишер Мирқосимов, шу маҳаллалик шоирлар Ойдин Ҳожиева, Гулчехра Жўраева, Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси раисининг ўринбосари Гулнора Йўлчиева ва бошқалар сўзга чиқиб, маҳаллаларда ёш авлодни тарбиялашда, соғлом авлодни камол топтиришда кўп ишлар қилинаётгани, бундай тадбирларни янада кенгайтириш лозимлиги хусусида гапирдилар.



муҳамедов. — Биз буюк давлат қуриш саринтилаётган эканмиз, болаларга ғамхўрлик қилиш ҳаммамизнинг асосий бурчимиз бўлиб қолаверади. Бундан ташқари кам

## „УСТА БОЛЕ“НИНГ МАҲАЛЛАМИ

(Гафур Гуломнинг асаридан)

Бизнинг маҳалламиз кичкинагина булса ҳам гавжум. Карим қори деган газламафуруш, Ёқуб қовоқ деган мумфуруш, Абдуллахужа деган буюқфуруш бойларни ҳисобга олмаганда, қолганлари босмаҳона ва қандолатхона ишчилари эди. Маҳалламизда иккита мачит, битта чойхона, иккита боққоллик бор. Самоварчи — Қодир ака деган ялангтуш киши. Мачитнинг биттаси Тиконли мазорда, иккинчиси — Еттимачит-Қургонтагида. Ҳар икки мачитнинг ҳам ёнида мактаб бор. Маҳалла имомлари уз навбатида ўқитувчи. Тиконли мазор мачитида Шамси домла муаллим. Қургонтагида Ҳасанбой домла ўқитади.

Мен Ҳасанбой домлада ўқирдим.

У бизларни «Ҳафтияк»дан эмас, «Усто-ди аввал» китобидан ўқитиб, тез саводимизни чиқарди.

Маҳалладаги менинг уртоқларим: Омон, Ит Обид, Бит Обид, Туроббой, Йулдош, Ҳусан, Солиҳ, Абдулла, Пулатхужа, Миразиз ва бошқалар. Омоннинг отаси Турсунбой ота қаламтарош-пичоқ қилади. Хотини ўлиб кетиб, бева яшайди. Омон ёлғиз ўғил. Ит Обиднинг отаси Зоҳид ака яқанчи (эски-туски йиғувчи) эди. Бит Обиднинг отаси Расулқузи ака қин тикар эди. Туроббойнинг отаси Зиямат ака гузафуруш эди.

Йулдошнинг отаси Бувака булса кун этик тикар эди, лекин ёшлигида ўлиб кетиб, Йулдош ота-онасиз шум етим эди. Бизларнинг куп маслаҳати-

миз Йулдошнинг уйида булар эди. Ҳуснибийнинг дадаси Омонбой буйинча тикар эди. Солиҳнинг отаси Юнус ака ҳофиз эди. Абдулланинг отаси Азиз ака керосинфуруш эди. От-арава билан кучама-куча юриб «Нобель» ширкатининг керосинини сотар эди. Пулатхужанинг отаси қалъа савдогари булиб, беш-олти йиллаб Қашқарда, Ирбитда савдогарчилик билан юрган йилларида онасининг қорнида «олти ойлик ёпишиб қолиб», дадаси келган йили уч ойдан кейин туғилган экан.

Уста Миразиз этикдузликда менинг устам. Отаси Салимбой суфи қушхонадан сунгак олиб келиб қайна-тиб, ёғини олиб тирикчилик қилар эди. Суфи ота уз вақтида — 1860 йилларда Ёқуббекнинг аскарари булиб, Қашқар қузғолонида битта хитой қизини улжа қилиб от орқасига мингаштириб олиб келиб, мусулмон қилиб никоҳлаб олган экан. Унинг хитойча отини Бахтибуви деб узгартирган. Миразиз ака Бахтибувининг уч ўғлидан энг кенжаси.

## «САРХУМДОН» НИМА ДЕГАНИ?

Биз яшайдиган маҳалланинг номи «Сархумдон» деб аталади. Бу номнинг келиб чиқиши, нима учун бундай дейилиши мени жуда қизиқтиради. Кексаларнинг айтишича биз яшаётган маҳалла ерида асримиз бошида гишт ишлаб чиқарадиган иншоотлар булган экан. Еримиз тупроғи гишт қуйиш учун мулжаллангандай сап-сарик булгани учун бу жойни «Сарик хумдон» деб аталган, кейинчалик у «Сархумдон» булиб кетган эмиш.

Бошқалар эса бу номнинг келиб чиқиш тарихини бошқача тавсифлашади. Бу жойда ҳақиқатдан ҳам гишт ишлаб чиқарилган экан. Лекин гап унинг тупроғида эмас. «Сар» форсча «бош» дегани, демак, «Сархумдон» — бошхумдон маъносини беради. Чунки шахримиздаги гишт пиширадиган хумдонларнинг энг каттаси маҳалламиз ерида жойлашган экан. Таърифларнинг қайси бири ҳақиқатга яқин эканига ҳайронман. Лекин шу нарса аниқки, бундан бир неча ун йиллар муқаддам маҳалламиз ерида гишт пиширадиган хумдонлар булган. Буни ён-атрофдаги купқаватли уйларнинг баланд-наст, унқир-чунқир ерда жойлашганидан ҳам билиш мумкин. Сиз ҳам узингиз яшайдиган маҳаллангиз номининг келиб чиқиш тарихини биласизми?

Ақром РАСУЛОВ,  
Тошкент шаҳар Шайхонтохур  
туманидаги 41-мактаб ўқувчиси.

Утган ёзги таътил кунларининг бирида ойим билан холамниқига меҳмонга бордик. Холамнинг мен билан тенгдош Нортон исмли ўғли бор. Кечгача у билан бирга мириқиб уйнадик. Кетар чоғимизда холам ойимга «Олимжон бизниқига қолақолсин, Нортон билан уйнайди», деб қолди. Ойим рози бўлди, мен ҳам қувондим. Чунки холамлар купқаватли уйнинг, яъни «дом»нинг бешинчи қаватида яшашади, балконга чиқсангиз деярли бутун шаҳар кафтдек булиб куринади.

Эртасига Нортон билан иккимиз балконда буюқ қаламларда расм чизиб утирдик. Нортон ўзи чизган суратидан кунгли тўлма қолса, негадир уни гижимлаб балкондан паства улоқтирарди. Бу ишнинг куриб мен унга «Нега бундай қиял-

## БАРИБИР ЎЗ УЙИМИЗ ЯХШИ.

сан, ахир йулкани ифлослант-ряпсан-ку», десам у «Нима булибди, барибир йулакни биз тозаламаймиз-ку», деди бепарволик билан. Мен унинг бу жавобидан ҳайрон қолдим. Чунки биз яшайдиган маҳаллада ҳеч ким ҳеч қачон «Мен тозаламайман-ку» деб истаган ерини ифлос қилмайди. Зеро, ҳар бир қарич ернинг уз эгаси бор. Ҳар ким уз ерининг ифлос булишидан уялади, ва доим уни тозалаб туради.

Тушлиқдан сунг телевизорда бадиий фильм томоша қилдик, шашка уйнадик. Лекин ни-магадир зерика бошладим, ни-мадир етишмаётгандай туюла-верди. Кун қизиб кетгач чўмилишга борадиган бўлдик. Нор-

той мақтаган бассейн домнинг шундоққина ёнида экан. Аммо у жуда саёз булиб, мириқиб чўмила олмадим. Нортондан: «Яқин атрофда анҳорми, кўлми борми?» деб сўрасам у: «Бор, лекин у оқизиб кетиши мумкин, мен сузишни билмайман» деди.

Кечкурун ёнимиздаги подъезддан карнай-сурнай овозлари эшитила бошлади, тўй бўлаётган экан. Нортонга «Тўйга чиқайлик», десам кўнмади: «Бизни тўйга айтишмаган, кейин, биз тўй эгасини танитаймиз» деди. Хафсалам пир бўлди. Шунда мен уйимизни соғинганимни англадим. Уйимизда бўш вақт топиш қийин. Ҳовлимизда экинзоримиз бор, унга сув тараш,

ҳар ҳафта утаб туриш керак. Маҳалла хонадонларини айланиб, қўйларимиз учун пўчоқ йиғаман. Молхонани тозалайман, тандир учун утин йиғиб келаман. Баъзан ут уриб келиш баҳонасида уйдагилардан яширинча маҳалла болалари билан сойга бориб чўмилиб келамиз. Чунки дадам сойда чўмилишимга рухсат бермайди. Бир йили у ерда бир бола оқиб кетган эди. Аммо бизга ақл кирармиди?!

Маҳалламизда тўй бўлган кунни ҳатто тўйхона эгасидан ҳам кўра биз болалар кўпроқ суюна-миз. Кимниқига тўй бўлиши биз учун барибир. Чунки бизда тўй бўлаётганини эшитиб ҳамма чиқаверади, тўйга айтмаган деб утиришмайди. Тўй кунни дастур-

хондаги ширинликлар бизнинг асосий ўлжамиз. Уни «гум» қилишда, яъни чўнтакка уриб кучага чиққач дўстларга ула-шишда менга етадиган устаси фаранги йўқ. Келин-куёв устидан сочқи сочилганда эса ҳушёрликда Ғайратга ҳеч ким тенг келолмайди. Катта қозонда ош дамланганда Эргаш ошпазга қарашган бўламиз, эвазига у бизга «Учовингга» деб бир лаган ош беради...

Домда бир кун яшаб зериканимда ана шуларни эсладим. Домда ҳамма шароит муҳайё, яшаш осон, деярли юмуш йўқ. Аммо ўз уйимиз, маҳалламиз барибир яхши. Юмушлари кўп, болалари шўх, уйлар пастак булса ҳам, барибир ўз маҳалламиз афзал.

Олимжон УМАРОВ,  
Бекобод шаҳри.

## „Такасалтанлар“ қаерга йўқолди?

Болалик чоғларимни эсласам унча серқатнов булмаган кучамизда икки томонга тошлардан «дарбоза» ясаб тенгқурларим билан туп тенган пайтларим ёдимга тушади. Мактабдан келди дегунча, апил-тапил овқатланиб ўзни кучага урардик. Айниқса, ёзги таътилар бошланиши билан бизга «худо берарди». Қуниқушчилар эса биздан безор, тупимиз гоҳ кимнингдир дераза ойналарини синдириб, кимнингдир буйрадек экинини пайхон қилар, бақир-чақиримиз эса яна кимнингдир тинчини бузарди. Неча бор улардан дашном эшит-сак-да биз «такасалтанлар» (қушчилар тили билан айтганда)нинг ақлимиз кирмасди. «Отанга айтаман» дея дўқ қилишарди, лекин айтишмасди. Уйга кириб кетишини пойлаб яна уйинни давом эттирардик.

Кечга яқин чарчаб, чанг ва қора терга боғиб уйга кириб борардик. Дашномнинг давомини ота-онамиздан эшитардик. Эртаси кун яна худди шу аҳвол. Бошқа куча болалари билан футбол уйнаб, кучамиз шаъни дея уйин давомида неча бор жанжаллашганимиз, ғалабадан қувониб, маглубиятдан уксиган дамларимиз куп булган.

Бугун ҳам уша кучалар бор, маҳалла одамлари ҳам уша. Аммо кучаларда шовқин солиб туп


тепаётган «такасалтанлар» куринмайди холос. Эндиликда уларни уйга биқиниб олиб, телевизорда хорижий бадиий ёки мультфильмлар кўраётган ёки автомат уйинлар, айниқса «Денди» уйнаётган ҳолатда топиш мумкин. Айни пайтда республикамизда болалар уртасида қуз, асаб ва юрак хасталиклари бир-мунча қушайгани мутахассислар томонидан тез-тез таъкидлан-моқда. Бунинг сабаблари болалар узларининг куп вақтини телевизор қаршисида утказаетгани, камҳаракатчилик, асабни толиқтирувчи ақлий уйинлар билан меъеридан ортиқ машғул бўлаётгани билан изоҳланмоқда.

Шуларни уйлар экансан, машҳур футбол юлдузи Франц Беккенбауэрнинг қуйидаги сўзлари едга келади: «Ҳозирги пайтда футбол майдонларида кўпчиликни узининг чиройли уйинлари билан қойил қолдираётган «юлдузлар» уз фаолиятларини куча футболдан, қуниқушчиларни безор қилиб, дашном эшитишдан бошлаган эди». Кучаларимиздаги бугунги ҳаловат эса кишини беҳаловат қилади. Зеро, юртимиздан чиқажак эртанги спорт юлдузлари асосан маҳалла болаларидир. Демак, бу борада маҳаллаларда усмирлар билан ишлаш шўба-

лари зиммасидаги масъулият янада ортади.

Нафсиламбрини айтганда, бу масала юзасидан таклиф шундан иборатки, ҳар бир маҳаллада усмирлардан иборат кучалар футбол жамоалари тузилса, уша ердаги мактаб футбол майдонида маҳалла биринчилиги утказилиб, голиблар тақдирланса. Ушбу жамоалардан яхши уйинчилар сараланиб, маҳалла футбол терма жамоалари тузилса, ҳамда маҳаллалар уртасида туман биринчилиги учун мусобақалар уюштирилса ва ҳоказо. Ёзги таътил бошланиб болаларнинг бўш вақти қушайган пайтда бундай тадбирлар айни муддао буларди. Бунда биринчидан, ўқувчиларнинг бўш вақтлари бекор ўтмайди, иккинчидан спорт болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлайди. Балки бундай тадбирларни маҳалла фаоллари ташаббуси билан ҳар йили утказиш анъанага айланар. Эҳтимол бундай ишларга ҳомийлар ҳам топилиб қолар. Тугрими, болалар? Бунинг учун ниятни катталарга яхшилаб тушунтириш кифоя. Чунки ҳамма келажак хуррамлиги, ҳаёт қуркамлиги учун гузал орзулар билан яшайди.

Абдумалик  
АБДУРАҲМОНОВ.





## ҲАР БИР ФАРЗАНД — ОИЛА ҚУВОНЧИ

Сухбатдошимиз — Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси, республика Олий Мажлиси депутати Шукур ҳожи ТЕМУРОВ.

— Аввало, газетхонларимизга ўзингизни таништирсангиз, кейин суҳбатни давом эттирсак.

— Бош устига. Мен Тошкентнинг «Калонхона» маҳалласида туғилганман, насиб этса янаги йили 60 ёшга кираман. Отамдан икки ёшимда етим қолганман, лекин маҳалла ота-хонлари менга ўз фарзандларидек меҳрибонлик қилишарди, мен ҳам уларнинг панд-насихатларини қулоққа олиб, оғирларини енгиллатишга, муносиб фарзанд бўлишга интилардим.

Тошкент Қишлоқ хўжалиги институтини битириб, Урта Чирчиқ туманидаги «Оҳангарон-2» давлат хўжалигида агрономлик қилдим, кейин шу олий илм-гоҳга қайтиб, беш йил мевачилик ва узумчилик кафедрасида илмий ходим бўлиб ишладим, аспирантурани тугатиб, 1967 йилда фан номзоди илмий даражасини олдим. Сунгра Ўзбек Қомуси Бош таҳририятида мудирлик қилдим, Тошкент Давлат аграр дорилфунунида доцент, декан муовини, илмий

кенгаш котиби, кафедра профессори лавозимларида ишладим. Ҳозир эса, ўзингиз айтганингиздек, «Маҳалла» хайрия жамғармасини бошқариб турибман.

— Юртбошимиз назарига тушган мана шу жамғарма ҳақида ўқувчиларимизга гапириб берсангиз.

— Бажонудил. Президентимиз Ислоҳ Каримов 1992 йил 12 сентябрда республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида фармон чиқарганидан болалар хабардор бўлишса керак. Ана шу фармонда: «тарихан таркиб толган миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини оммалаштириш, республиканинг маҳаллалари ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, шунингдек, уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш чораларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида» ташкил этилгани таъкидланади.

Уша пайтда республикада 8000 га яқин, Тошкентда 279 та маҳалла бор эди. Ҳозир Ўзбекистонда 13000 га яқин, пойтахтда эса 481 та маҳалла фаолият кўрсатмоқда. Утган йил охиригача жамғармамиз 390 мингдан зиёд кам таъминланган, 100 дан ортиқ табиий офатдан

зарар кўрган оила ва шахсларга иқтисодий ёрдам кўрсатганини, бунга 680 минг сўм маблағ ажратилганини айтиб ўтиш кифоя...

— Шукур ака, халқимизда «Отанг ҳам, онанг ҳам — маҳалла» деган гап бор. Бунинг маъноси болалар тарбияси билан боғлиқ, албатта.

— Жуда тўғри айтдингиз. Биз халқ таълими ходимлари билан биргаликда «Маҳалла, мактаб ва оила ҳамкорлиги» режаларини тузаётганимизда худди шуни назарда тутганмиз. Чунки, ҳар бир фарзанд — оила қувончи, ота-онанинг дилбанди. У кўз очиб дунёга келиши биланоқ ота-она ўз жигарбандини ақлли, одобли, қобил, билимдон, меҳнатсевар, ватанпарвар, инсонпарвар бўлишини орзу қилади ва шу мақсадда тарбиялашга киришади. Ахир ота-онанинг бурчи фарзандига берган тарбияси даражаси билан улчанади-да. Шунинг учун маҳалла аҳли мактаб ва оила билан биргаликда ўғил-қизларимизни маънавий бакуват, билимли, она юртдан фахрланиш тўғрисида бой, солиҳ фарзандлар қилиб тарбиялашни ўз бурчи деб билмоғи лозим.

Болалик — инсон ҳаётининг гул фасли, камолотга эришиш даври. Бинобарин, ин-

сон болалик пайтидан бошлаб ота-онаси, атрофидаги кишилардан маънавий озуқа олади, уларга тақлид қилади, кўпгина одатларни, хулқ-одобни улардан ўрганади.

— Сиз «Соғлом авлод учун» орденига биринчилар қатори муяссар бўлгансиз. Болаларни келажаги буюк давлат бўлган Ўзбекистоннинг муносиб фуқаролари этиб тарбиялашда спорт билан шугулланишнинг аҳамияти катталиги шубҳасиз. Чунки «Соғлом авлод» деганда биз ақлан соғломлик билан бир қаторда жисмонан бакуват кишиларни кўз олдимизга келтирамиз.

— Ҳа, албатта. Соғлом авлодни тарбиялашни оммавий спорт турларини ривожлантирмай туриб, тасаввур қилиш қийин. Биз бу масалани доимо диққат марказимизда тутиб келаямиз. Масалан, ойнаи жаҳонда «Маҳалла болалари» деган руқн ташкил этганмиз. Пойтахтнинг Беруний номи ва «Ғалаба» маҳаллалари болалари беллашувини кўпчилик кўрган бўлса керак. Шунингдек, Тошкентдаги маҳаллалар ўртасида «Саломатлик ва бирдамлик» спорт мусобақалари ҳам ўтказилиб турилибди. Самарқанддаги «Оби машат», Қўқондаги «Исфарагузар», Тошкентдаги «Олтинтепа», «Ўзбекис-


тон», Йулдош Охунбобоев номи маҳаллаларда ҳам спорт майдончалари кенгайтирилиб, қизиқарли бахслар ўтказиб турилибдики, бу ёзги таътил кунлари мактаб ўқувчиларига жуда катта қулайлик яратди. Лекин булар етарли эмас, деб ўйлайман. Авваллари маҳалла болалари «Чиллак», «Оқ теракми — кўк терак», «Аҳмон-дахмон», «Дуппи олиб қочди», «Арқон тортиш», «Зув-зув» сингари миллий ўйинларни ўйнашар, бунинг ҳам узига хос гап-таътил бор эди. Назаримда, шундай миллий ўйинларни қайта тиклаш зарур кўринади.

— Суҳбатимизни «Маҳалладан бошланур Ватан» мавзусида қурмоқчи бўлганимизда бир рамзий маъно бор эди.

— Гапингизга тушундим. Юртбошимиз Ислоҳ Каримов бир йигинда шундай деган эдилар: «Маҳалланинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир, халқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одатлари, хусусан меҳр-шафқат, мурувват, тўйда ҳам, азада ҳам эл-улуснинг ҳам-жиҳатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлган ва бўлмоқда». Шундай экан, чиндан ҳам Ватан тўйғуси оила остонасидан, униб-ўсган маҳалла гузаридан бошланиши табиий. Ватанпарварлик, инсонпарварлик тушунчаларининг дебочаси ҳам, мазмун-маъноси ҳам шундан иборат.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат. Сизга ҳам маҳаллаларни обод қилишдек савобли ишингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Суҳбатдош: Наримон ОРИФЖОНОВ.



Яқинда дустим Икром билан мактабдан қайтаётиб адашиб қолган кучукчани топиб олдик. Кучукчанинг орқа оёқларини арқон билан дарахтга боғладик. У билан уйнашиб турганимизни кўриб, қўшни маҳаллалик Сайфулла ота бизни койиб берди. У киши нима учун бундай қилди, ахир иккимизнинг ҳам танбех берадиган ота-онамиз борку?

Рўзимурод ЖУМАЕВ  
Урганч шаҳри.

Ушбу мактубни ўқиб, болалик чоғларим едимга келди. Ушанда уч-турт журналларим билан қўшни маҳаллада яшовчи бир кишининг боғидан олма уғирлаб келиб еб утирган эдик. Биздан беш-олти эшик нарида яшовчи Саттор косиб деган одам келиб қолиб ҳаммамизни қаттиқ койиди. Мени эса безориларнинг каттаси сифатида қулоғимдан ушлаб уйимизга олиб келди, ва дадамга бор гапни айтди. Дадам эса Саттор косибга: «Раҳмат қўшни, сиз кўриб қолганингизда бу шумтакалар яна бошқа ноҳуя ишларга ҳам қўл урган буларди» дея миннатдорчилик билдирди.

Мен ҳам дадамдан эшитадиганимни эшитдим. Орадан бирон ҳафта вақт утгач: «Дада, нима учун уша кўшни Саттор ака бундай қилди, ахир биз унинг боғидан эмас, балки қўшни маҳалладаги боғдан олма олган эдик-ку?» деб сурадим. Шунда дадам менга бир қараб олди-да, кейин «Ҳар қандай ноҳуя ишни кўрганда одам

«менинг нима ишим бор» дейдиган бўлса биласанми нима булади?»

Йиллар ўтиб ўзим ҳам ота бўлдим, фарзанд тарбиялаш нақадар оғирлигини англадим. Ҳар сафар куча-қўйда, маҳаллада ёки мактабда болаларнинг ноҳуя хатти-ҳаракатларини курсам, отамнинг угитлари ёдимга тушади ва болаларни дарҳол тартибга чақираман. Чунки, ҳар қандай ота-она ўз фарзандига доимо қўз-қулоқ булолмайди. Агар катталар болаларнинг ноҳуя ишларини курсалару «Менинг фарзандим эмаску», ёки «Менга зиёни йўқ» дея қўл силтаб кетаверсалар оқибати ёмон булади. Уша бола кейинчалик каттароқ безориликка, ҳатто жиноятга ҳам қўл уриши мумкин. Энг хавфлиси — уша бола «Менга нима?» деб кетган катталарнинг ҳам болаларини ўз қаторига қўшиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Мактуб муаллифи Рўзимуродга айтадиган гапим шуки, Сайфулла ота болаларга танбех бериб жуда тўғри иш қилган. Чунки тарбия борасида «Бу менинг ишим эмас» деган гапнинг бўлиши мумкин эмас. Қолаверса, жониворларга озор бериш тарбиясизликдандир. Энг муҳими — маҳаллаларда «Бир болага етти қўшни ота-она» деган гап азалдан мавжуд.

Қидирбой Тўлабоев.  
Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси,  
кекса педагог.



1 октябрь — Ўқитувчилар куни

## САВОЛ БЎЛСА БАС...

— Шахло, айтчи, инглиз тилида нималарни биласан?

— Бу тилда оиламиз ҳақида гапириб берман.

— Қани, мана бу суратга қараб эртақ тўқиб бер-чи?

— Бир бор экан, бир йўқ экан...

Устозлар савол беради, етти ёшли Шахло эса жавоб қайтаради. Унга савол бўлса бас, жавоб бераверади.

Айтгандай, Шахлодан сўнг яна бир синфга етгулик болаларга ана шунанга саволлар берилди ва улар махсус лицей синфга қабул қилинди.

Тошкентдаги 28-мактабда янги ўқув йилидан бошлаб 1-синф

ўқувчилари учун лицей синфи очилди. Танлов асосида қабул қилинган ўқувчиларга бу ерда инглиз тили, информатика ва халқ оғзаки ижодидан таълим берилади. Болаларни қувонтирган яна бир нарсасу бўлдики, ушбу синфга меҳрибон ва тажрибали ўқитувчи Сабиха опа Мирмухамедова дарс бермоқдалар.

Яқинда ўқувчилар устозларини ўқитувчилар куни билан табриклар, уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тиладилар.

Суратда: Болалар Сабиха опани байрам билан қутламоқдалар.

Р. Альбеков олган сурат.



## КУЛОФИ ҚАЁҚДАЮ ТУЁФИ ҚАЁҚДА?

Бир куни Хусайн Бойқаро саройида камонбозлар ҳақида гап бўлиб, Хусайн Бойқаро утказган овлари, у билан иштирок этган мерганларнинг усталиклари турғисида сузлади. Шунда бир вазир овга чиққанида бир кийикни бир уқ билан қулогидан олиб, туёғидан чиқарганини айтиб қолди. Бундан подшо газабланиб:

— Аблаҳ, бу қандай гап, кийикнинг туёғи қаёқдаю қулоғи қаёқда? Сен бир уқ билан қулогидан уриб, туёғидан чиқардим, дейсан. Менинг саройимда одобсиз лофчининг жазоси улим, жаллод, — деб қақирди.

Шу даврада Навоий ҳам бор эди. У Хусайн Бойқарога қараб:

— Амирим, вазирнинг сузи турғидир, чунки уша овда мен ҳам бирга эдим. Вазир кийикка қараб уқ-ёйини тортган вақтда тоғ устида кийик туёғи билан қулогини қашиб турган эди. Вазирнинг оттан уқи кийикнинг қулогидан кириб, туёғидан чиққани турғи, — деди. Шундан сунг подшо газабидан тушиб, вазир улимдан кутулди.

## ОҚИЛОНА ЖАВОБ

Кунлардан бир куни Хусайн Бойқаро эрталаб саройга кириш олдиан Навоийга—қуриниш берибди-да, курсаткич бармоғи билан бошини курсатибди. Навоий ҳам уша бармоғи билан тилини курсатибди. Хусайн Бойқаро бошини чайқабди-да, саройга кирмай изига қайтибди.

Воқсани кузатиб турган Навоийнинг шогирдлари бу имошораларнинг сабабини сурашибди. Шоир бу жумбоқни ечишни уларнинг узларига ҳавола қилибди. Шогирдлар уйлаб-уйлаб топишолмабди. Улардан бири Навоийни гапга солиш мақсадида сиёҳдонни ағдариб юборибди.

Шунда Навоий:

— Абдулатиф, хаёлингиз нега бунча парижон бўлиб қолди. Сиёҳдон ағдарилди-ку, — дебди.

— Кечиринг устоз, — узр сурабди Абдулатиф, — ҳалғи муаммонинг сабабини уйлаб хаёлим қочибди.

Навоий шунда бояғи имо-шора маъносини айтишга мажбур бўлибди:

— Хусайн «Бошга балони нима келтиради?» — деб сураб эди. Мен «Тил» деб жавоб қилдим.

Шогирдлар Навоийнинг зийраклигига қойил қолишибди.

## САБРНИНГ ОЛТИ ФАЗИЛАТИ

Билгинки, сабрда хосият ва манфаат беҳисобдир. Сабр шундайки, мусибат ва бало айемида дол-фарёд қилинмайди, дардни ичга ютилади ва қовоқ солиб, юз узгартирилмайди. Унинг яна бир қуриниши шундайки, одамлар орасида бечоралиқдан шикоят қилинмайди, тоқат ва чидам йули тугилади.

Айтишларича, бир улуг кишини туҳмат билан зиндонга ташлади-лар. У киши бу ҳолга тоқат қилолмай, бесабрлик йулини тутиб безовта булаверди. Унинг яқин дустри бор эди. Шу дуста унинг аҳволи ҳақида хабар бердилар. Дустри унга шундай мазмунда хат ёзди: «Эй биродар, тақдирга тан бериб, сабр ва чидам йулини тут, бу меҳнат ва бало бошингда бор экан, узингни қийнайверма! Бало ва меҳнат зиндонда сабр ва чидам йулини тутсанг улардан қуйдаги хислатлар юзага келади. Биринчи, гуноҳ қилишдан қурқасан. Иккинчи, саботликни урганасан. Учинчи, гафлат уйқусидан уйғонасан. Туртинчи, озодлик ва тоза неъматлар қадрини биласан. Бешинчи, ёмон ишлардан юз угириш, тавба қилиш бахтига эришасан. Олтинчи, фақат яхшилик қилиш, ёмонликдан узоқ бўлиш фикрига тушасан».

Зиндондаги киши дустрининг бу мактубини ўқиб, сабр отига минди, ортиқча узини-узи қийнаш ва безовталик йулидан тийилди. Киши учун энг фойдали ва дилни ёрувчи нарса қаноатдир. Энг зарарли ва нафратли нарса газабдир. Одам учун энг ёқимли нарса хурсандчилик бўлиб, у яхшилик қилишдан ҳосил бўлади. Яна: шодлик қаноатдан келса, гап ҳасду-газабдан ҳосил бўлади.

## ЯХШИ ГАП ЖОН ОЗИФИ

Бир подшоҳ бир асирни улдиришга фармон берди. Шурлик асир ҳаётдан умид узиб подшоҳни сука бошлади. Зероки: «Киши жондан умид узган замон, кунлида борини этади баён» деган халқ мақоли бор.

Подшоҳ: «У нималар деяпти?» деб суради. Софдил вазирлардан бири «Эй подшоҳи олам, асир «Ҳар кимки газабин ичига ютар, у гуноҳ қилганинг гуноҳин утар» — деяпти деб жавоб берибди. Подшоҳнинг раҳми келиб, асирни авф этди. Софдил вазирни ёқтирмайдиган иккинчи вазир гапга аралашиб деди: «Бизнинг маъқеимизда булган одамлар подшоҳ ҳузурда фақат рост сузлашлари лозим. Бу асир подшоҳни ҳақорат қилди ва шаънига ёмон гаплар айтди».

Подшоҳ бу сузни эшитиб, қош-қовоғини солиб деди: «Сен айтган рост гапдан кура унинг ёлғони менга кўпроқ маъқул тушди, чунки унинг ёлғони хайрихоҳлик юзасидан айтилган эди, сеники эса жиноятга бошлаш учун айтилди». Донишмандлар «Фитна кузгатувчи ростдан маслаҳатли ёлғон яхши» деганлар.

Маҳалламизда биров туй қилса, ёки кимдир вафот этса, ё бошқа бирор маросим булса дадамни уйдан чақириб кетишади. Бирор хонадонда жанжал булса ҳам дадам ҳар доимгидек уша ерда. Қисқаси, маҳалламиздаги ҳеч бир воқеа-ҳодиса дадамсиз утмайди. Шулар туфайли дадам баъзан уйга жуда кеч кириб келдилар. Бундан ойим ҳам норози булганларини кўп сезганман. Чунки, дадам ишдан ҳориб-чарчаб келган булсалар ҳам кечқурун биров эшигимизни тақиллатиб келса еяётган овқатларини ташлаб, чиқиб кетавердилар.

## ЭЛ ЮМУШИ

Зилолага эса ҳавасим келади. Эрталаб дадасини оппоқ «Волга» ишга олиб кетади, кечқурун яна уша машина олиб келади. Унинг дадаси маҳалладаги туй-ҳашамларга хоҳласа чиқади, хоҳламаса йўқ. Биров уни ҳадеб безовта ҳам қилмайди. Бир куни ана шуларни ойимга айтдим. Ойим аввалига кулдилар-да, кейин шундай дедилар: Даданг маҳалламизнинг каттаси, яъни оқсоқоли. Одамлар қандай маросим қилишдан қатъий

назар, даданг билан бамаслаҳат иш тутади. Бу мартаба қийинлигини ҳамма билади, шунинг учун ҳам маҳалламизда дадангни, қолаверса оиламизни кўпчилик ҳурмат қилади. Чунки, эл юмушини ҳар ким ҳам ўз зиммасига олавермайди.

Дадам бугун ҳам уйга жуда кеч қайтдилар, маҳалла идорасида йигилиш бўлибди. Ойим яна қовоғини солди, менинг эса аксинча эл юмушини қиладиган дадамга меҳрим ортди.

Гулчеҳра ЎРУНОВА,  
Бухоро вилояти.

## Бурга

*Бир сири бор сабабли  
кўринг дунё ишини,  
тақдир юрда бой айлабди  
битта осий кишини.*

*Бойки, шаъни, салтанати  
жами тахтдан юксакроқ.  
(Гарчанд иймон таптанаси  
жами бахтдан юксакроқ.)*

*Аммо бой осий эди,  
ҳеч иймон келтирмасди —  
Бойлигим боқий, — дерди.  
Дер: — Инсон енгилмасдир!*

*Бойнинг ушбу сўздан  
жаҳли жуда кўзиган  
бир бурга бой бурнига  
кириб кетди дўқ билан.*

*Сўнг ўтиб мия томон  
чақаверди аямай.  
Қолди бари оломон  
қўтқармоққа ярамай.*

*Бошидаги азобдан  
додҳақ солар эди дод.*

*Аммо жонига оро  
киролмасди бирор зот.  
Сўнгра бой навқарига,  
— Саф бўлиб туринг, — деди.  
Нуқиб ўз калласига,  
— Тош билан уринг, — деди.*

*Ураверди ҳар аскар  
бирма-бир бой бошига.  
Йўлиқса бош соғ қолмас  
бу дунёнинг тошига.*

*Ҳисса шулки, Худога  
иймон келтирмай бўлмас.  
Келтирмаган дунёда  
хору-зорликсиз ўлмас.*

*Кибр қилганида бой  
жазосин берди Холиқ.  
Аммо бундан ҳам кўпроқ  
эрур жазога лойиқ*

*Иймон келтирмай Хақга  
сокин яшаб юрганлар —  
ишюлмамай дўзахга  
жазо кутиб турганлар.*

Муҳаммад ИСМОИЛ

Фақат ёлғондан қочган  
ва ҳақиқат излаган киши-  
гина эътироф ва мақтовга  
лойиқдир.

**Абу Райҳон БЕРУНИЙ.**  
х х х

Хунари ва одоби бўл-  
маган кишидан бахт ва  
давлат кетади.

**Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ.**  
х х х

Дарахтнинг етуклиги  
унинг меваси билан бўл-  
ганидек, инсоннинг бар-  
ча хислатлари ҳам ахлоқ  
билан яқунланади.

**Абу Наср ФАРОБИЙ.**  
х х х

Илм қоғозга ёзиш, чи-  
зиш билан эмас, балки  
ўқимоқ ва уқмоқ билан-  
дир.

**ЗАМАҲШАРИЙ.**  
х х х

Газаб ҳурматни унута-  
ди, яхшиликларни кўмиб  
юборади ва гуноҳсизлар  
учун жиноятларни вужуд-  
га келтиради.

**Абу Бакр АЛ-  
ХОРАЗМИЙ.**  
х х х

Агар сен ярамас одам-  
нинг қилган ишига қарши  
иш кўрсанг, ўша ярамас  
одамга тенг бўласан.

**Абдураззоқ  
САМАРҚАНДИЙ.**  
х х х

Одам таомни ейди, ле-  
кин ҳаддан ташқари кўп  
ейилган таом одамни  
ейди.

**Абу Али ибн СИНО.**  
х х х

Қолдирай десанг жа-  
ҳонда яхши ном,  
Яхшилик қил, яхшилик  
қилгил мудом.

**Абдурахмон ЖОМИЙ.**  
х х х

Жафо қилувчига сен ва-  
фо билан жавоб қил.

**Аҳмад ЮГНАКИЙ.**  
х х х

Шафқатли насиҳатчи  
сўзини эшитмаганнинг  
жазоси ўқинмоқ ва ўзини  
айбламоқдир.

**Алишер НАВОИЙ.**  
х х х

Воқеалар само гумба-  
зининг ҳаракатига қараб  
эмас, одамларнинг инти-  
лиши билан рўй беради.

**Мирзо УЛУҒБЕК.**

**ТОНГ ЮЛДУЗИ**  
Ўзбекистон болалари ва  
ўсмирларининг газетаси

**Бош  
муҳаррир  
Умида  
АБДУАЗИМОВА**

**Таҳрир хайъати:  
Наримон ОРИФҶОНОВ,  
Феруза ЖАЛИЛОВА,  
Раҳима ШОМАНСУРОВА,  
Марат ШАФИЕВ,  
Сайриддин ХОЛОВ  
(масъул котиб)**

IBM компьютерда терилди ва  
сахифаланди. Офсет усулида  
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ  
Буюртма — Г 0397.  
11.000 нусхадда босилди.  
Қоғоз бичими — А-3.  
Босишга топишриш вақти 19.00  
Топширилади — 18.30

Рўйхатдаги ўтин тартиби  
№ 000137  
Маяклинми: 700083,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси,  
32-уй.  
Телефон:  
33-44-25